КЎКЛАМГИ ЭКИШГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

Бутун дуне пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 34 (5895).

17 ФЕВРАЛЬ ПАЙШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КАСАБА СОЮЗЛАРИ — МУСОБАҚА БАЙРОҚДОРИ

КОММУНИСТИК жамият қураётган мардонавор совет халқи шу кунларда мамлакатимиз тарихида муборак сана бўлган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. КПСС XXV съездининг улуғвор режаларини бекаму-кўст амалга ошириш учун ҳамма ерда социалистик мусобақа байроғи янада баланд кўтарилмоқда.

Ютуқларимиз гарови бўлган социалистик мусобақани тобора ривожлантиришда, омма ҳаракатини янги-янги соҳаларга йўналтиришда касаба союзлари ҳақли равишда байроқдорлик ролини ўйнамоқдалар. Касаба союзларининг вазифалари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ўтказиш тўғрисида»ги қарорида батафсил баён қилиб берилган.

Чинакам умумхалқ ҳаракати, миллионлар бунёдкорлиги самараси бўлган, ривожланишнинг қудратли ҳаракати, меҳнаткашларни сиёсий, аҳлоқий, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш мактаби бўлган социалистик мусобақани ривожлантиришда, илғор тажрибаларни кенг ёйишда, қимматли ватанпарварлик ташаббусларининг янги сарчашмаларини очишда, унинг янги форма ва методларини кашф қилишда, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини кучайтиришда областимиз касаба союзлари Совети ва унинг жойлардаги ташкилотлари маълум ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил Октябрь Пленуми қарорлари, Пленумда ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқи XXV съезд белгилаб берган йўлни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятимизнинг жанговар программаси бўлиб қолди. Областимиз касаба союзлари мазкур Пленумда ва ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида халқ хўжалиги планларини бажаришнинг равшан тактикаси белгилаб берилганлиги, партия ва халқнинг ижодий кучғайратини самарали сафарбар этишни талаб қиладиган беш йиллликнинг асосий соҳалари ва энг муҳим проблемалари аниқ кўрсатиб берилганлигини назарда тутиб, ўтган йилларда қатор муҳим тадбирларни амалга оширдилар.

Натижада саноат маҳсулотининг кўпчилик муҳим турларини реализация қилиш плани муддатидан илгари адо этилди. Халқ хўжалигимизга пландан ошиқча 176 миллион сўмлик товарлар етказиб берилди. 724,5 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, 479 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Областимиз бўйича ўтган йили 440,7 минг тонна «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Ҳар гектар майдондан 33,4 центнердан ҳосил олинди. Жуда кўплаб звено, бригада, хўжаликларда ҳар гектар ердан олинган ҳосил 40-50-60 центнерга етказилди. Қатор саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, хўжаликларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва республика комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроқлари билан тақдирланганлиги, А. И. Чудная, В. Р. Подвигин, Б. Р. Посмитний сингари меҳнат новаторларимизнинг СССР Давлат мукофотига сазовор бўлганлиги қувончли бир ҳолдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажаришга аҳд қилган ўнлаб ташаббуси областимизда кенг қанот ёзди. 2 мингдан зиёд ишлаб чиқариш илғорлари ана шу ташаббусга қўшилди. «Шогирд устозга тенглашсин», «Қолоқларсиз ишлайлик!», «Маҳсулотга — ишчи кафолати», «Октябрнинг 60 йиллиги кунигача беш йилликнинг 3,5-4 йиллик топшиғини бажарамиз», «60 йилликка — 60 центнерлик пахта ҳосили!» каби ташаббуслар ҳам ишчилар, инженер-техник ходимлар ва пахтакорларимиз томонидан бажонудил қўллаб-қувватланди.

Куни кеча эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Туркистонда революция бешиги бўлган Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи агитаторларининг меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар этиш соҳасидаги иш тажрибаси тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда барча область, шаҳар ва район партия комитетларига оммавий-сиёсий ишлар мазмунини яхшилаш ҳамда форма ва усулларини янада такомиллаштириш чораларини кўриш, ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларни Октябрь юбилейини муносиб кутиб олишга сафарбар этишда Октябрнинг 50 йиллигини, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини, СССР, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини байрам қилиш даврида орттирилган тажрибалардан ҳар томонлама кенг фойдаланиш тавсия этилди.

Область касаба союзлари кейинги йилларда мураббийлик ҳаракатини тобора авж олдиришга ҳам алоҳида аҳамият бериб келмоқдалар. Ҳозирги пайтда корхоналарда, хўжаликларда, қурилиш ва транспорт ташкилотларида бу олийжаноб ишга 30 мингга яқин илғор ишчи ва мастерлар жалб этилган. Биргина ўтган йилнинг ўзидаёқ ана шу устозлардан 35 мингдан зиёд ёш ишчилар сабоқ олдилар, ўз касбларининг сир-асрорларини чуқурроқ ўргандилар.

Юқорида айтилган ва бошқа ишлаб чиқариш, оммавий-сиёсий, маданий-маиший тадбирларни амалга оширишда областимизда фаолият кўрсатаётган 7029 касаба союз ташкилотлари ва уларда бирлашган 1 миллион 300 минг касаба союз аъзоларининг ҳиссаси беқиёсдир. Бугун очилаётган область касаба союзларининг Союзлараро IX конференциясида ўтган давр учун ҳисобот берилади, амалга оширилган ишлар ҳар томонлама таҳлил этилади ва келажакдаги вазифалар белгилаб олинади. Шубҳасиз конференцияда касаба союзлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ҳам танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи остида очиб ташланади.

Партия ташкилотлари раҳбарлиги ва бевосита ёрдамида иш кўраётган касаба союзлари, КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бугун-дан буён ҳам умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг авж олдирадилар. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини меҳнатнинг ҳамма жабҳасида янги-янги зафарлар билан кутиб олишга муносиб ҳисса қўшадилар.

ПАХТАКОР УРТОҚЛАР! Кўклам яқин. Экишга ҳамма нарсани шай қилиб қўйинг. Техника ремонти сифатли бўлсин. Ремонтдан чиқарилган техникани яна бир бор текшириб кўринг. Механизатор кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга алоҳида эътибор берайлик. Ҳар бир хўжалик етарли миқдорда сара уруғ билан таъминлансин. Минерал ва маҳаллий ўғитларни ташиб олиш ва далага чиқаришни тезлаштиринг. Ариқ--зовурлар, каналларни яхшилаб тозаланг, насос станцияларини ишга шайлаб қўйинг.

ЧОРВАДОР УРТОҚЛАР! Қишловни муваффақиятли якунлайлик. Қўзилатиш мавсумини соз ўтказайлик. Гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотни кўпроқ етиштириш, чорва туёғини кўпайтириш учун барча имкониятлар ва резервларни ишга солинг.

САБЗАВОТКОР ВА БОҒБОН УРТОҚЛАР! Эртаги сабзавот экинларидан мўл ҳосил олиш учун кўчат тайёрлаш, пикировка қилиш ишларини тезлаштиринг. Плёнка тагига кўчат экишни кенг йўлга қўйинг. Мева дараҳтларига шакл бериш, буташ ишларини барвақт тугалланг.



● ПОЙТАХТ область хўжаликларида янги йил мўл ҳосили учун тайёргарлик қизғин боряпти. Механизаторлар қишлоқ хўжалик техникасини муддатидан илгари сифатли ремонтдан чиқариб, кўкламга шай қилиб қўйдилар. Суратда: Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз халқ назоратчилари Т. Жўраев, П. Мун ва Р. Сонлар ремонтдан чиқарилган агрегатлар сифатини текширмоқдалар.

А. Мальцев фотоси.

ҲОСИЛ, ТАННАРХ ВА ДАРОМАД

ЙИЛ ЯКУНИ ТАҲЛИЛИ

Колхозимиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг тўнғич йили якунларини сарҳисоб қилиб чиқдилар. Йиллик ҳисоботда ўз аксини топган салмоқли рақамлар колхозчиларнинг фидокорона меҳнатларини ёрқин ифода этиб турибди.

Ўтган йили хўжалигимизнинг асосий тармоғи — пахтачиликда юқори натижаларга эришилди. Миришкорларимиз 800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 48,3 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга 3865 тонна «оқ олтин» армуғон этдилар. Ватан омборига планга қўшимча равишда 1255 тонна пахта сотилди. Бу —пахта тайёрлаш халқ хўжалик беш йиллик планини тўрт йилда бажариш юзасидан зиммамизга олган мажбуриятимизни муваффақиятли бажариш йўлидаги дадил қадамдир. Колхозимизнинг Н. Икромов, М. Сериқбоев, Э. Умаров, Н. Абдуллаев, А. Ёқубов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳосилдорлик 50 центнердан ҳам ошириб юборилди.

Пахтачилик колхозимизнинг асосий тармоғи бўлганлиги туфайли ҳам ўтган йилги даромадимизнинг салмоқли қисмини ҳам шу соҳадан олдик. Чунончи, жъамми пул даромадларимиз 2 миллион 990 минг сўмдан кўпроқни ташкил этган бўлса, шундан 2 миллион 381 минг сўми пахтачиликдан олинди.

Колхозимизда жамоат чорвачилигининг тобора юксалиб бораётганлиги ҳам мўмай даромад манбаи бўлмоқда. Бултур хўжалигимизда ҳар бир сигирдан 4295 килограммдан сут согиб олинди. Давлатга 54 тонна гўшт, 762 тонна сут сотилиб, бу соҳадаги план топшириғи бир ярим баравар ошириб бажарилди. Натижада чорвачиликдан 467 минг сўм даромад олинди. Хўжалигимизда сут ва гўшт етиштириш рентабелли соҳага айланди.

Ўнинчи беш йиллик — сифат ва самарадорлик беш йиллигидир. Биз кам сарф билан кўп ва сифатли маҳсулот етиштирилишига эришишимиз зарур. Колхозимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини арзонлаштириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Ўтган йили хўжалигимизда етиштирилган ҳар бир центнер пахтанинг ўртача таннархи 34 сўм 98 тийинни ташкил қилди. Бу планда белгиланганидан бироз ортиқ, лекин йиғим-теримнинг ғоят ноқулай шароитда олиб борилганлиги назарда тутилса, чакки натижа эмас.

Маълумки, хўжалигимизда асосан уруғлик пахта етиштирилади. Колхозчиларимиз ўтган йили қабул пунктларига пландаги 930 тонна ўрнига 1511 тонна уруғлик «Тошкент-1» пахтасини етказиб бердилар. Айни пайтда 1120 тонна пахта «зангори кема»лар ёрдамида териб олинди, машина терими плани 136 процент қилиб адо этилди. Ҳар бир пахта териш машинасининг мавсумдаги иш унуми 124 тоннани ташкил қилди. Машиналардан унумли фойдаланиш, пахтани қўлда териш сарфланадиган маблағларни анча камайтириш имконини берди.

Хусусан, теримга ҳашарчиларни камроқ жалб этиш ҳисобига, сарф-ҳаракатлар 1975 йилга нисбатан 40 минг сўмдан кўпроққа камайтирилди.

Колхозимизда минерал ўғитлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини оширишга жиддий эътибор берилади. Ўтган йили пахта тайёрлаш планини бир ярим баравар ошириб бажарганимизга қарамай, минерал ўғитлар харид қилишга сарфланган харажатлар пландагидан 10 минг сўм кам бўлди. Бу маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланишимиз самараси ҳамдир. Шунингдек, ёнилғимойлаш материалларидан ҳам тежаб-тергаб фойдаланиб, 6500 сўм иқтисод қилишга эришдик.

«Тома-тома кўл бўлур» деганларидек, иқтисодий тежамкорлик учун кураш ўз самарасини кўрсатмоқда. Ўтган йили бир центнер пахта етиштириш учун моддий —пул харажатлари 9,9 сўмни ташкил этди. Бу —1975 йилдагидан 2,5 сўм камдир. Шу ҳисобга пахтачиликдан 1 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олдик.

Лекин, колхозимизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш учун ҳали катта имкониятлар бор. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобилларнинг жорий ремонти учун планлаштирилгандан бир ярим бараварга яқин кўп маблағ сарфландик. Шунинг учун ҳозир техника ремонти сифатини ошириш, га астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Картошка, сабзавот маҳсулотлари, узум, жуҳнинг таннархи ҳам ҳозирги планда белгиланганидан анча қиммат тушмоқда.

Колхоз экономикасининг мустаҳкамланиши деҳконларнинг турмуш фаровонлигини ошириш имконини беряпти. Улар фидокорона меҳнатлари эвазига катта даромад қилмоқдалар. Масалан, илғор сувчи Ўрил Файзиев-нинг ўтган йилги бир ойлик ўртача иш ҳақи 386 сўмни ташкил этди. Механизаторлар Абдулазиз Мадусмонов, Тоштемир Абубакиров, сут соғувчи Жамила Асхўжаева ва бошқаларнинг ойлик ўртача маошлари ҳам 300 сўмдан ошиб кетди.

Колхоз даромади ошиб бораётганлиги туфайли қишлоқларимизни ободонлаштиришга катта маблағлар ажратилмоқда. Хонадонлар газлаштирилмоқда. Бу йил колхозчилар фарзандлари учун 536 ўринли янги мактаб қуриб битказилди. Ўтган йилги даромаддан колхоз бўлинмас фондига 473,5 минг сўм, маданий-маиший ҳаражатларга 150 минг сўмга яқин маблағ ажратилади.

Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган колхозимиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили етиштириб, давлатга 4000 тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олдилар. Бу улкан марраниинг эгалланиши колхоз экономикасини янада мустаҳкамлайди, хўжалигимиз аъзолари, нинг турмуш фаровонлигини оширади. «Яхши яшамоқ учун, кўпроқ ишлаб топиш учун яхши ишлаш керак,— деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Тула шаҳрида сўзлаган нутқида.— Бу —қадимий, лекин эскирмайдиган ҳақиқат». Колхозимиз аъзолари бу кўрсатмаларга амал қилиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни самарадорлигини тинмай ошириш чораларини кўрадилар.

А. АБДУХАЛИЛОВ,
Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг бош экономисти.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

РЕСПУБЛИКА ХИМИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ҲАМДА МИНЕРАЛ ЎҒИТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЮЗАСИДАН ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ИККИНЧИ ЙИЛИ ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ БОРАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика химия саноати корхоналари коллективларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳамда минерал ўғит ишлаб чиқариш юзасидан ўнинчи беш йиллик иккинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш борасида зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

КПСС XXV съезднинг қарорларидан руҳланган республика химия индустриясининг ходимлари партиянинг ўнинчи беш йилликка мўлжалланган улкан режаларини амалга ошириш умумхалқ ишига 1976 йилда муносиб ҳисса қўшдилар.

Республика химиклари КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида янгидан-янги зафарларга чақириқ сифатида қабул қилдилар.

Химия саноати корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорига ҳамда КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги масалаларига оид мактубига иш билан жавоб бериб, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қароридан руҳланиб, ҳамма куч, билим, ижодий изланишларини йиллик ва беш йиллик планларни бажариш учун курашнинг ҳал қилувчи участкаларига сарфламоқдалар ва янги-янги юксак марраларни белгилаб олмоқдалар.

Республика химия саноати корхоналари минерал ўғит чиқарувчи корхоналари юбилей йилида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида 1977 йилги топшириқларни барвақт бажариш юзасидан зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олдилар.

Улар ташкилий, гоявий-сиёсий ишларни яхшилаш, социалистик мусобақани янада авж олдириш, илғор иш методларини қўллаш, ишлаб чиқариш технология режимларини оптималлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги юзасидан 1977 йилги планни ошириб бажариш ҳамда йиллик планга қўшимча 80 минг тонна азотли ўғит ва 100 минг тонна фосфорли ўғит ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. шу жумладан:

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўйича — 30 минг тонна;

«Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўйича — 20 минг тонна;

Фарғона азот ўғит заводи бўйича — 15 минг тонна;

Олмалиқ химия заводи бўйича — 75 минг тонна;

Самарқанд суперфосфат заводи бўйича — 30 минг тонна;

Кўқон суперфосфат заводи бўйича — 10 минг тонна қўшимча ўғит ишлаб чиқарилади.

Корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Улуғ Октябрнинг юбилейигача қишлоқ хўжалигига пландан ташқари 160 минг тонна минерал ўғит етказиб берилади.

Республика химиклари 1977 йилда қишлоқ хўжалигида юксак марраларга эришиш умумхалқ вазифасини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида колхоз ва совхозларга 1 августгача, яъни энг яхши агротехника муддатларида 100 минг тонна минерал ўғит етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Муқобил планга кўра Самарқанд суперфосфат заводи коллективи 145 минг тонна ва Олмалиқ химия заводининг коллективи 35 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқаради.

Моддий ва меҳнат ресурсларидан, машина ускуналаридан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан такомиллаштириш ҳисобига пландан ташқари 650 минг сўм миқдорида фойда олинади, 19,3 миллион киловатт-соат электр энергия, 10,7 минг г/каллория иссиқлик, 1520 тонна шартли ёқилғи, 820 минг сўмлик хом ашё ва материаллар тежалади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика химия саноати корхоналари коллективининг Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳамда минерал ўғит ишлаб чиқариш юзасидан ўнинчи беш йиллик иккинчи йили топшириқларини барвақт бажариш борасидаги социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Ўзбекистон Компартиясининг область, шаҳар, район комитетларига химия саноати корхоналарининг бошланғич партия ташкилотларига социалистик мусобақани авж олдириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва бутун иш сифатини яхшилаш борасида доимий ёрдам кўрсатиб туриш вазифаси топширилди. Меҳнат коллективларининг ташкилий ва гоявий-сиёсий ишлари социалистик мажбуриятлар ва муқобил планларни сўзсиз бажаришга қаратилсин.

Республика, область ва шаҳар газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетига республика химия саноати корхоналарининг коллективлари эришаётганлигини ёритиб бориш, илғор коллективлар, ишлаб чиқариш новаторлари, коммунистик меҳнат зарбдорларининг иш тажрибасини кенг кўрсатиш топширилди.

ПОЛИЗЛАРДА КЎЧАТЛАР ҚАЛИН ҚОЛДИРИЛАДИ

КАЛИНИН районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг теплицасида етти миллион туп помидор ва карам кўчати, яъни топшириқдагидан икки миллион туп-дан зиёд кўчат ортиқ тайёрланди. Шунча кўчат 400 гектар майдоннинг ҳаммасида тупларни қалин қолдиришга етади.

— Тажриба шуни кўрсатадики, бу илғор усул—эски майдонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг асосий резервларидан бири, деди совхоз бош агрономи М. Расулов ЎзТАГ мухбири билан қилган суҳбатида,— совхозимизнинг бригадалари 1976 йилда помидор кўчатларини 80х40 схемаси билан ўтқазди. Ҳар гектар ерда кўчатларнинг қалинлиги 32 минг туп, яъни бошқа хўжаликлардагига нисбатан анча кўп бўлди. Биз беш йилликнинг иккинчи йилида кўчатларни янада қалинроқ қолдирмоқчимиз — 70х30 сантиметр схемасидан фойдаланмоқчимиз. Помидор кўчатларининг қалинлигини ҳар гектар майдонда ана шу асосда 50 минг тупга қадар кўпайтирамиз. Бодринг, карам, пиёз кўчатларини ҳам қалинроқ қолдирамиз. Дастлабки ҳисоб-китоблар кўчатнинг бундай қалин қолдирилиши гектар бошига ҳосилни 4 центнер оширип, ҳар гектар майдондан 250 центнердан сабзавот олиш имконияти борлигини кўрсатмоқда.

«Узплодоовощсавнпром»га қарашли бошқа совхозларда ҳам бу йил кўчатларни қалин қолдиришнинг самарали усулидан фойдаланилади. Хўжаликларнинг парникларида ҳозирнинг ўзидаёқ 1240 килограммдан зиёдроқ карам уруғи экилди. Помидор кўчати ўтқазишга киришилди. Бирлашма полизларида кўчат тупларининг қалинлигини ўрта ҳисобда бир ярим баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

«САЛЮТ—5»: ОДДИЙ ИШ КУНИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 16 февраль. (ТАСС). Космонавтлар Виктор Горбатко билан Юрий Глазков «Салют-5» орбитал илмий станциясида ўтказишлари мўлжалланган иш программасининг биринчи ярми тугади.

Экипаж илмий-техникавий ва медицинавий биологик тадқиқот ҳамда экспериментлар программасини бажаришда давом этмоқда.

Янги технологик эксперимент—вазнсизлик шароитида моддалар диффузиясининг хусусиятлари ўрганила бошланди. Тажриба ўтказилаётган прибор ичида тадқиқ этилаётган органик моддалар: дибензкл билан толан бўлган ингитилувчи патрондан иборатдир. Эксперимент натижалари ерда ўтказилган шундай тажриба натижалари билан таққослаб чиқилади ва композициядаги материаллар, жумладан ярим ўтказгич материалларнинг хусусиятларини ўрганиб боришда фойдаланилади.

Космонавтлар медицинавий экспериментлар программаси бўйича вакуум идиш ёрдамида гравитацион таъсиротга тақлид этиш билан юрак қон томир системаси устида бир қанча тадқиқотлар ўтказдилар. Комплекс тренажерда функционал ва физиологик параметрларни бир вақтда қайд этиш билан физик машқлар ҳам давом эттирилмоқда.

«Салют-5» станциясининг бортидаги системалар нормал ишлаб турибди. Тадқиқотлар программаси муваффақиятли бажарилмоқда.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ СОЮЗЛАРАРО IX КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

КОММУНИЗМ МАКТАБИ

МЕҲНАТКАШЛАРГА ҒАМХЎРМИЗ

ОБЛАСТЬ касаба союзларининг союзлараро IX конференцияси барча совет кишилари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнат мусобақасини кенг қулоч ёйдирган бир даврда бўлиб ўтаяпти. Союзлараро конференция касаба союзларининг барча звеноларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайловларга якун ясайди, бундан буёнги вазифаларни белгилаб олади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари меҳнаткашларнинг юксак сиёсий ва меҳнат активлиги руҳида ўтди. Йиғилишларда барча коллективлар партиямиз XXV съезди қарорларини амалга оширишга йўлида эришаётган муваффақиятларини яна бир бор намойиш этдилар.

Беш йилликнинг биринчи йили ҳар соҳада кувончли якунланди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми бир йил ичида областимизда 6,6 процент ўсди. Йиллик планни 21 декабрда адо этган саноатчиларимиз йил давомида планга қўшимча равишда неча йиллик миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Пахтакорларимиз эришган муваффақиятлар яна ҳам кувончли бўлди. Улар гектар бошига ўртача 33,4 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга 440 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» сотдилар. Ҳосилнинг 77 процентдан ортиғи «зангори кема»лар билан териб олинди. Областнинг 14 хўжалигида 40 центнердан ошириб пахта топширилди.

Она-Ватан меҳнат қаҳрамонларини муносиб тақдирлади. Тўққизта ишлаб чиқариш коллективининг номи СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Бутуниттифоқ ҳурмат тахтасига ёзилди ва уларга кўчма Қизил байроқ тақдим этилди. 5 та шаҳар ва район, 58 та ишлаб чиқариш коллективи Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва республика комсомолининг юксак мукофотига сазовор бўлди. Узбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» экспериментал базаси сут соғувчиси А. И. Чудная, Олмалиқ конметаллургия комбинати экскаватор машинисти В. Р. Подвигин ва тоғ мастери Б. Р. Посмитний меҳнатдаги юксак муваффақиятлари учун СССР Давлат мукофоти лауреати бўлдилар.

Меҳнат коллективлари ўртасида социалистик мусобақани авж олдиришда касаба союз ташкилотлари катта роль ўйнамоқдалар. Улар мусобақани ташкил этишда тўпланган тажрибаларга амал қилиб, ишчи ва хизматчилар меҳнат активлигини ошириш-нинг ҳамда улардаги ижодий ташаббусни ривожлантиришнинг янги форма ва методларини ишлаб чиқмоқдалар. Бошланаётган ҳар бир қимматли ташаббус коллективларда кенг қулоч ёймоқда.

Ўтган йили область касаба союзлари Совети президиуми 1977 йилнинг дастлабки ярим йиллик планини 21 мартда очиладиган СССР касаба союзлари XVI съездигача бажариш юзасидан мусобақа бошлаган Тошкент трактор заводи бир группа касаба союз активларининг ташаббусини маъқуллади. Ҳозир ташаббускорлар сафи яна ҳам кенгайган. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитети маъқуллаган ташаббуслар асосида ҳам катта ташкилий-тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Касаба союз аъзолари бу ватанпарварлик ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Ҳисобот даврида областлараро, районлараро, корхоналараро мусобақаларнинг янги-янги формалари қарор топди. Тошкент ва Иваново областлари, Тошкент области ва Болгария Халқ Республикасининг Хасково округи ўртасидаги дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Дўст областларнинг 76 корхонаси ва ташкилоти ўзаро мусобақа шартларини тузган. Бу тадбир маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилашга ва иш сифатини оширишга ёрдам бермоқда.

Касаба союзлари меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари ва маданий дам олишлари учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Кейинги икки йил давомида санитария-соғломлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун 40 миллион сўм сарфланди. Саноат корхоналарида 12 мингта технологик ускуна янгиландн ва модернизация қилинди.

Область ижроия комитети, шаҳар ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети меҳнаткаш аёллар иш шароити ва дам олишини яхшилаш юзасидан ўтказган жамоат кўриги айниқса катта самара берди. Кўрик давомида областимиз саноат корхоналари, колхоз ва совхозларида катта ўзгаришлар рўй берди.

Кейинги пайтда санаторий ва курортлар хизмати ҳам тубдан яхшиланди. Шу беш йилликда Сочи—Мацеста типидаги 1000 ўринли «Чемпсин» санаторий комплекси ишга туширилди. Шанбаликлардан тушаётган маблағ ҳисобига Жиззах областида болали оналар учун санаторий қурилиши бошлаб юборилди. «Оқтош», «Ботаника», «Луначарское», «Чинобод» санаторийлари реконструкция қилинмоқда, «Октябрь 10 йиллиги», «Кумушкон», «Қибрай» дам олиш уйлари ободонлашмоқда.

Ҳозир биз ҳар ойда 2 мингдан ортиқ меҳнаткашни санаторий-профилакторийларда даволаш имконига эгамиз. Биргина ўтган йилнинг ўзида ҳар бири 90—100 ўринли бўлган 6 та санаторий-профилакторий ишга туширилди. Беш йилликнинг охирига бориб бундай шифохоналар сони 40 тага етади. Дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб, шифохоналарда саломатликларини мустаҳкамлаб қайтаётган ишчилар яна ўз коллективларида унумли меҳнат қилмоқдалар.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, меҳнаткашларни иқтисодий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда корхоналардаги коммунистик меҳнат мактаблари катта роль ўйнамоқда. Ҳозирги кунда областимизда 2770 та мактаб фаолият кўрсатяпти. Уларда салкам 70 минг ишчи ўз билимини ошираяпти.

Кейинги пайтда мактабларда машғулотларнинг ғоявий-назарий савияси анча ошди. Жамоатчи методик советлар фаолиятн кучайди. Бу соҳада айниқса «Электрохимпром», Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари, Узбекистон металлургия заводи каби корхоналарда катта тажриба тўпланган.

Касаба союзлари меҳнаткашларни идеологик ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда клублар, маданият саройлари ва бошқа маданий-оқартув муассасаларидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар.

Яқинда уйсозлик комбинати, агрегат заводи, «Юқори Чирчиқ» совхози, Тошкент Давлат университетида янги маданият уйлари, 2-«Пискент», Узбекистон парфюмерия фабрикасида кўркам клублар фойдаланишга топширилди. Ҳозир биз 126 та клуб муассасасига ва 2400 та қизил бурчакка эгамиз. Уларнинг моддий базаси йил сайин мустаҳкамланиб бораяпти.

Область касаба союзлари Совети томонидан ўтказилган маданий-оқартув муассасалари иши кўригида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари сони анча ошганлиги маълум бўлди. Ҳаваскорлик санъати Бутуниттифоқ кўригини ўтказиш давомида 400 та янги коллектив тузилди. Ўтган йилда ҳаваскорлар ўз оталиқларидаги колхоз ва совхоз аъзоларига 800 мартадан кўпроқ концерт қўйиб бердилар. Томошабинлар 1-автокомбинат халқ хори, Чирчиқдаги кимёгарлар маданият саройи халқ духовой ва эстрада оркестри концертларини ҳали-ҳали эслаб юришади.

КПСС XXV съездида касаба союзлари олдига улкан вазифалар қўйилди. Биз съезд талабларн асосида ишни ташкил этиб, ҳар соҳада янги-янги ютуқларни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу курашда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ мусобақаси янги куч ва илҳом бахш этаяпти.

А. БРАИЛОВ,
Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси.



ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози касаба союз ташкилоти ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан бошланган социалистик мусобақанинг ташкилотчиси бўлаяпти. Мусобақанинг қудратли кучи билан хўжаликда барча соҳалар бўйича қувончли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Суратда: колхоз касаба союз ташкилоти раиси Жўра Исмонлов (ўртада) ўз активлари билан навбатдаги иш планларини муҳокама қилаяпти.

А. Абалян фотоси.

ШИФОБАХШ ҚЎЛЛАР

Районимизда эл ҳурматига сазовор бўлган шифокорлар оз эмас. Улар аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда, профилактика ишлари олиб боришда барчага намунадирлар. Шифокорларимиздан 30 киши медицина фанларн кандидати деган илмий унвонга сазовор бўлган.

Ўтган йили биз коммунистик меҳнат зарбдорларининг биринчи район слётини ўтказдик. Слётда социалистик мусобақа голибларидан 35 шифокорга область медицина ходимлари касаба союзининг фахрий ёрлиғи ҳамда кўкрак нишони тақдим этилди.

Барча жойларда бўлгани сингари шифокорлар ўртасида ҳам мусобақанинг турли формалари қарор топди. Ҳозирги пайтда мураббийлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Ҳар бир тажрибали шифокор ёш мутахассисларни оталикка олган. Бу тадбир шифокорлар маҳоратини янада ошириш, кўрсатилаётган медицина хизмати сифатини яхшилаш имконини бермоқда.

Эндиликда Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб, босиб ўтган шонли йўлимиз ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар тайёрламоқдамиз.

М. НИЗОМОВА,
Ленин район медицина ходимлари касаба союз ташкилотининг раиси.

НОВАТОР

Таништиришди. Ўрта бўй, думалоқ юзли, гап-сўзлари бамаъни. Агар бу синчков кишини коржомасиз кўчада кўрсангиз знёли деб ўйлайсиз.

— Мени кечирасиз-у, бироздан кейин гаплашсак қандай бўларкин? Ҳозир сиз ҳамкасбим Эдуард билан суҳбатлашиб турсангиз. Кўп йиллардан бери бирга ишлаймиз.

— Мен Рашид билан 29 йилдан бери бир участкада ёнма-ён ишлайман,— деди Эдуард. ФЗУни битирган бўлса ҳам бир инженердек бнлими бор. Ҳаммамиз унга қулоқ соламиз. Цех бошлиғи ҳам тан беради. Бизга оғир ва мураккаб жараён— лебедкани йиғиш топширилган. Сифатини жуда ўрнига қўямиз. Бизга бошқа цехлардан деталлар келади. Агар шу деталнинг бнронтаси сифатсиз бўлса, Рашид дарров айбдорни топади, ишни охирига етказади. Узига ҳам, бошқаларга нисбатан ҳам жуда талабчан. Э, қанча мақтасангиз арзийди. Фақат цехда эмас, бутун заводда обрў-эътибор қозонган.

— Жамоат ишларидаги иштироки қандай?!

— Завод касаба союз комитетининг аъзоси. Барча ишларда актив қатнашади. Цехимизда Иван Кузьмич Кукавиц деган кекса ишчи бор. Бугун—эрта пенсияга чиқаман, деб юрувди. Бетоб бўлиб қолди. Рашид ветерандан хабар олиб келамиз, деб таклиф қилиб қолди. Иккимиз бордик. Кукавиц ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Рашид кишиларга меҳрибон. Цехда иш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш фикрлар олдик. Меҳнат Қизил Байроқ орденли ишчи ҳозир 1978 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. У ўнинчи беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган эди. Ўз имкониятини ҳисоблаб чиқиб, беш йилликни уч йилда адо этишга қарор қилди. Рашид Ҳамроқулов цехда самарадорлик ва маҳсулот сифатини ошириш учун қурашаётганларнинг сардори бўлмоқда. У

ДЕЛЕГАТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

учун кўп хизматлари сингган.

Ишчининг ишчи ҳақидаги дил сўзлари, ўзаро ҳурмат қалбимни тўлқинлантириб юборди. Суҳбатимизга йиғув цехи бошлиғининг ўринбосари Т. Гатауллин ҳам қўшилди.

— Рашид Ҳамроқулов ўз касбининг устаси, ажойиб ташкилотчи. Унинг иш сифатидан доимо миннатдормиз. Кўпчилик учун, умум иш учун жон куйдиради. Сезгир ва меҳрибон.

Цехда ким билан суҳбатлашмайлик Рашид Ҳамроқулов ҳақида фақат ижобий бой тажрибаларини ёшларга ўргатади. Уттиздан ортиқ шогирд тайёрлаган.

Кейинги кунларда дизелчилар программадан орқада қолиша бошлади. Шунда ишчилар бригада бошлиги, Фарид Хаковдан сабабини сўрашди. Бу бригадада бир кишининг меҳнат отпускасига кетганлиги туфайли ишчи кучи етишмаётганлиги маълум бўлди. Шунда Рашид Ҳамроқулов ташаббуси билан ўзи ва шогирдлари Раҳмон Ражабов, Марат Костенко, Ли Сергей галма-галдан ёрдам бериб туришадиган бўлди.

Рашид Ҳамроқулов ишлаб чиқариш новатори, рационализатор ва актив жамоатчидир. У касаба союз ташкилотининг йиғилишларини тайёрлашда ва ўтказишда актив қатнашади. Мажлисларда таклифлар билан чиқиб туради.

Ҳар бир ишчининг мусобақадоши бор,— деди у бир йиғилишда,— аммо мусобақадошлар топшириқни қандай бажаришаяпти, ким олдинда бораяпти, бу ҳақда яхши билишмайди. Сменада эришилган энг яхши кўрсаткичлар молияларда акс этмайди. Бу эса меҳнат рақобатининг сустлашишига сабаб бўлмоқда.

Ташаббускор ишчининг таклифи билан мажлис қарорига тўлдириш киритилди. Тез орада шахсий мусобақанинг форма ва методларидан кенг фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Ҳар бир ишчининг иш проценти кўтарилганлиги сезилди. Бу эса умуман цех бўйича кўрсаткичларнинг ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу воқеалар оддий ишчи, меҳрибон устоз, актив жамоатчи Рашид Ҳамроқулов ҳаётидан айрим лавҳалардир.

Б. ПЎЛАТОВ,
Тошкент экскаватор заводи.











УШБУ суратларда сиз конференция делегатларидан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи-слесари, Узбекистон ССР Олий Совети депутати Н. Маннопов (юқоридан пастга), Алимкент пахта тозалаш заводи ишчиси Л. В. Нижельская, Фрунзе район ошхоналар трестига қарашли 10-ошхона ошпази С. Паршиев, Тошкент область илмий-техника жамияти Советининг раиси А. Эшонхўжаев ва Янгийўл шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати касаба союз комитетининг раиси Б. Мирзаалиев ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Мальцев фотолари.

СЎЗ—КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

60 ЙИЛЛИККА— 60 ЦЕНТНЕР

Э. АЛИЕВ,
Қуйи Чирчиқ районидаги «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхози звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини барча қатори звеномиз аъзолари ҳам диққат билан ўрганиб чиқдилар. Қарорда тарихан қисқа давр ичида халқимиз қўлга киритган улкан зафарлар ўз ифодасини топган. Нимагаки эришган бўлсак, ҳаммаси Октябрь туфайлидир. Шу боисдан ҳам биз Октябрнинг 60 йиллигини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ совғалар билан кутиб олишга қарор қилдик. Ҳамкасбларим билан бамаслаҳат шонли сана шарафига бу йил гектар бошига 60 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштиришга бел боғладик.

Янги мажбурият қабул қилиш олдидан биз ўтган йилда бажарилган ишларимизни пухта анализ қилиб чиқдик. Ўтган йили звеномиз аъзолари 72 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 38 центнер ўрнига 57,6 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга муваффақ бўлдилар. Пахтанинг таннархи 22 сўмдан 18 сўм 50 тийингача арзонлашди. Нчки резервларни ҳисобга олиб ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳосилдорликни янада оширишга ва коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олишга аҳд қилдик.

Хўжалигимизнинг барча участкаларида Октябрь шарафига социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёйаётганлиги бизни қувонтиради. Мусобақа туфайли йил сайин юксак марралар муваффақиятли эгалланмоқда. Ҳалол меҳнат туфайли ўтган йили совхозимиз беш миллион сўм соф фойда олди. Фойданинг кўпгина қисми ишчилар турмуш фаровонлигини оширишга сарфланмоқда. Узимизнинг 350 ўринли маданият саройимиз, мактабларимиз, стадионимиз, поликлиникамиз бор. Ишчилар янги қурилган кўркам биноларда истиқомат қилмоқдалар. Ҳаётимиздан ҳаммамиз мамнунмиз. Пахтакорларга кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан яна ҳам самарали ва сифатли меҳнат қилишга ҳаракат қилмоқдамиз.

ҚУДРАТЛИ ОҚИМ

Р. НУРШОЕВ,
Узбекистон металлургия заводи пўлат эритувчиси

Биз эритилаётган пўлат сифатига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу пўлатдан давлат Сифат белгиси олган прокатлар тайёрланмоқда. Сифатли ишлаш учун энг аввало ҳар бир ишчи юксак маҳорат эгаси бўлиши керак. Шуни ҳисобга олиб бригадамиз аъзолари малака ошириш курсларида пўлат эритишнинг самарали йўлларини ўрганмоқдалар. Айниқса коммунистик меҳнат мактабларида ўтказилаётган машғулотлар металлургларга катта фойда бераяпти. Бу машғулотларда улар назарий билим олиш билан бирга илғор иш усулларини ҳам ўрганмоқдалар. Мен ўтган йили «Дўстлик» эритмасини олишда қатнашган эдим. Кейинчалик коммунистик меҳнат мактаби машғулотларида дўстларимдан ўрганган тажрибаларимни сўзлаб бердим.

Илғор тажрибаларга амал қилган бригадамиз аъзолари ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланмоқдалар. Тезкорлик усулида пўлат эритиш давомида иқтисод қилинган ҳар бир соатда 12 тоннадан қўшимча металл олишга муваффақ бўлмоқдамиз.

Ҳозирги кунда биз Октябрь шарафига бошланган мусобақада актив иштирок этмоқдамиз. Байрамгача бригадамиз аъзолари пландан ташқари 340 тонна пўлат эритишга сўз беришган. Бу маҳсулотнинг ярми давлат Сифат белгиси билан тайёрланади.

ЮКСАК ИШОНЧ

С. КИОСЯ,
«Узбекхиммаш» заводи қозончилар бригадаси бошлиғи

Ўтган йили биз катта шарафга муяссар бўлдик. Коллективимизга шахсий белги билан химия аппаратларини йиғиш ҳуқуқи берилди. Демак энди масъулиятни яна ҳам чуқурроқ ҳис этишимиз, иш сифатига яна ҳам кўпроқ эътибор беришимиз лозим. Чунки қўлимиздан чиқан химия аппаратларини техника контроли бўлимн текшириб ўтирмайди. Тайёрлаётган маҳсулотимиз сифатига улар ҳам ишонишади.

Ўнинчи беш йилликнинг бошида бригадамиз аъзолари ўз зиммаларига дастлабки икки йилда 90 процент тайёр маҳсулотни техника контроли бўлимига биринчи кўрсатишдаёқ топшириш ва «Аъло сифатли бригада» номини олиш юзасидан мажбурият қабул қилган эдилар. Бу мажбуриятни бир йилга қолмай бажариб қўйдик. Тайёрлаётган маҳсулотларимизнинг ҳаммаси аъло сифатли бўлаяпти.

Бригадамизда В. Ус, Э. Мирмаҳмудов, С. Орипов каби тажрибали қозончилар бор. Менинг ўзим ҳам йигирма йилдан бери шу корхонада меҳнат қилиб келаяпман. Ҳаммамиз бир-биримизга ишонамиз, биримизнинг ўрнимизни биримиз босамиз.

Химия аппаратлари йиғишда иштирок этаётган Р. Каримов бошлиқ электр пайвандчилар бригадаси ҳам бенуқсон ишламоқда. Тушаётган заказларни бажаришда биз одатда бригалашиб ишлаймиз. Кўпинча янги хил аппаратлар йиғишни ишониб топширишади. Бундан фахрланиб қўямиз ва масъулиятни ҳис этиб самаралироқ, сифатлироқ ишлашга ҳаракат қиламиз.

Коллективимизда мураббийлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйганлиги илғор тажрибаларни оммалаштиришга яшил йўл очяпти. Ветеран ишчилар коммунистик меҳнат мактаблари ва малака ошириш курсларида ўз тажрибаларини ёш ишчиларга сўзлаб бермоқдалар. А. Кураев, В. Робинович каби ўринбосарларга бу катта мактаб бўлмоқда. Улар тажрибали ишчилар қатори браксиз маҳсулот тайёрлашга эришаяптилар.

СИФАТНИ ПЛАНЛАШТИРИШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

УНИНЧИ беш йиллик сифат ва самарадорлик беш йиллиги ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини муттасил ошириб бориш йўлида барча омиллардан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Сифат эса ана шундай омилларнинг биридир. Ҳамма турдаги маҳсулотнинг юксак сифатли бўлишига эришиш, олий сифат категориясидаги буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва умумий ишлаб чиқариш ҳажмида шундай буюмлар салмоғини ошириш ҳар бир саноат корхонаси коллективининг энг асосий, шарафли ва масъулиятли вазифаси, эзгу мақсади бўлиши керак.

Шундай экан, сифатни планлаштириш ва рағбатлантиришни муттасил такомиллаштириб бориш талаб этилади. Ваҳоланки, ҳозирги вақтда бу масалада ҳал қилинмаган қатор муаммолар бор. Биз ана шу муаммолар ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Ишлаб чиқаришнинг турли участкаларида самарадорлик ва сифатни оширишнинг умумий талаблари турлича ҳал қилинмоқда. Шу муносабат билан бу соҳадаги ишни янада жонлантиришга ҳалақит берувчи турли масалалар вужудга келмоқда. Бу муаммоларнинг аксарияти эса коллективга боғлиқ эмас. Уларни ҳал қилиш учун раҳбар хўжалик ташкилотлари корхоналарга яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Министрликлар ва идоралар корхоналар иш планини белгилаганда маҳсулотнинг сортлари ва давлат Сифат белгиси билан тайёрланиши лозим бўлган маҳсулот ҳажмини кўрсатади. Бу фақат ишнинг бир томони. Худди ана шу планда халқ истеъмоли товарларини қандай безакда, фасонда ва модада ишлаб чиқариш ҳақида лом-мим дейилмайди. Корхона коллективи бу ҳақда ҳеч қандай директив кўрсатмага эга бўлмайди.

Белгиланган планларнинг тез-тез ўзгартирилиб туриши ҳам маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Аксарият кўпчилик корхоналар ишлаб чиқариш планлари йил давомида бир неча бор қайта белгиланади. Масалан, биргина Тошкент шаҳри бўйича ўтган йили давлат плани тез-тез ўзгартириб турилди. Июнь ойига келиб реализация қилинадиган маҳсулот ҳажми январь ойида белгиланган пландагига нисбатан 50 миллион сўмлик камайтирилди. Август ойида эса план яна кўпайтирилди, сентябрь ойига келиб тағин камайтирилди.

Планлаштиришнинг бундай нуқсонлари хўжалик раҳбарлари фаолияти, коллективлар ишига салбий таъсир кўрсатади. Уларда давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига ишончсизлик туғдиради. Ишда штурмчилик бўлишига, иш вақтидан ташқари вақтда ишлашга олиб келади. Бу оқибат натижада иш ва тайёрланаётган маҳсулот сифатининг ёмонлашишига сабаб бўлади.

Сифатсиз маҳсулот етказиб бериш, хом ашё ва материаллар тежаминотида узилишларнинг бўлиши, керакли асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги, ишлаб чиқариш қувватларининг камчилиги, хом ашё ва материаллар етказиб берувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ҳам юқоридаги каби ҳолатларни вужудга келтиради.

Шунинг учун ҳам корхоналар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш плани қатъий бўлиши керак. Уни шу кун талаблари асосида белгилаш, истиқболни ҳисобга олиш, хом ашё ва материаллар етказиб берилишини назарда тутиш даркор. Шу билан бирга миқдор кўрсаткичлари қаторида сифат кўрсаткичларини ҳам планлаштириш лозим. Бу кўрсаткичларга планда белгиланган даврда эришилишини таъминлаш керак. Бу албатта, жуда мураккаб масала. Шунинг учун ҳам бу ишга фақат министрликлар, идоралар ва планлаштириш органларигина эмас, шу билан бирга илмий-тадқиқот муассасалари ҳам жалб қилиниши зарур.

Шуни очиқ эътироф этиш керакки, ҳали бизда хўжалик раҳбарларидан кўпроқ миқдор кўрсаткичлари учун катта масъулият талаб қилинади. Маҳсулот сифатига нисбатан масъулият унчалик эмас. Миқтўла қопламаяпти. Шунинг учун ҳам бизнинг олимларимиз ва мутахассисларимиз корхоналар коллективларининг юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан манфаатдорлигини ошириш проблемаси ҳақида ўйлаб кўриш лозим.

Ҳозирги вақтда давлат Сифат белгисини маҳсулотларга беришда қандайдир расмиятчилик ҳоллари учрамоқда. Чунки, белги олиш учун ГОСТ талабларини ошириб бажариш кифоя бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, айрим талаблар эскириб қолди. Давримизга тўғри келмаяпти. Яна шундай ҳоллар ҳам учрамоқдаки, сифатни яхшилаш учун ҳожат қолмаяпти. Чунки, стандартнинг ўзи маҳсулот сифатининг лозим даражада бўлишини белгиламоқда. Бу талабларни ошириш эса маҳсулотнинг анча қимматлашишига сабаб бўлмоқда. Бундан «Ҳар доим ҳам Сифат белгиси билан маҳсулот чиқариш фойдалими?», деган савол келиб чиқади. Ҳозирги вақтда Сифат белгисига сазовор бўлган ҳар бир буюмнинг улгуржи нархига устама ҳақ олиш ҳуқуқи берилган. Ана шундай йўл билан олинган қўшимча фойданинг 70 процентгачаси корхонани иқтисодий рағбатлантиришга, фақатгина штурмчилик натижасидагина эмас, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг нормал шароитларида ҳам йўл қўйилмоқда. У бир-бирига боғлиқ ягона бир занжирни ташкил этади. Масалан, бир ходим маълум операцияни яхши бажарса-ю, ундан кейинги операцияларнинг бирида брakка йўл қўйилса борми, ҳамма ходимларнинг иши чиппакка чиқади. Биз худди шу масалани «Ташсельмаш» заводи мисолида текшириб кўрдик. Фақатгина бир ойда пахта териш агрегатларини йиғишда 5677 та шпиндель брак қилинди. Унинг 5580 таси технологик брак бўлиб чиқди. Бу технологик брак дастлабки жараёнда — тайёрлов цехида пайдо бўлган экан, у мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларининг барча звеноларидан ўтди, ўнлаб ишчиларнинг вақтини, меҳнатини олди. Дастлаб йўл қўйилган брак технология жараёни тугалланганда аниқланди. Агар звенолар ўртасида ўзаро масъулият бўлганида, контроль ва ўз-ўзини назорат қилиш пухта йўлга қўйилганида қанчадан-қанча меҳнат ва материал тежаб қолинган бўларди. Бундан хулоса шуки, социалистик мусобақа шартларини ишлаб чиқишда бу шартларнинг комплекс бўлишини, алоқадор ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида ўзаро шартномалар тузилишини назарда тутиш лозим. Шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёни бўйича бир-бири билан алоқадор бўлган корхоналар — хом ашё ва материаллар етказиб берувчи ҳамда истеъмол қилувчи корхоналар ўртасида мусобақани ташкил этиш формаларини такомиллаштириш талаб этилади.

Сифатни бошқариш комплекс системасига ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришга эмас, айни вақтда савдо ташкилотларининг саноат корхоналари билан ўзаро алоқасини яхшилаш ҳам киради. Бу муҳим ишни ҳам муттасил такомиллаштириб бориш керак. Чунки, савдо ташкилотлари бевосита истеъмолчилар билан алоқада бўлади, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини яхши ўрганади. Бу эса корхоналарда серталаб буюмлар ишлаб чиқаришни планлаштириш, ўзлаштиришни ва айни вақтда уларнинг сифатини яхшилашга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорига амалий жавоб бериб, беш йилликнинг иккинчи йилида юксак марраларни белгиладилар. Айни пайтда ҳар бир бригада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини меҳнат ғалабалари билан нишонлаш иштиёқида мусобақа байроғини тобора баланд кўтаряпти.

А. КАШАПОВ,
бирлашма ходими.

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

дор кўрсаткичлари яхши бўлса, шунга қараб рағбатлантирилади ҳам. Агар корхона икки-уч квартал давомида муттасил реализация ҳажми бўйича планни бажармаса, раҳбарларига нисбатан қаттиқ чоралар кўрилади. Айни вақтда сифатсиз маҳсулот тайёрланганлиги учун кескин чоралар кўрилмайди. Бу аҳвол ҳам заводлар, фабрикалар, бирлашмалар коллективларининг буюмлар чидамлилигини ва мустаҳкамлигини ошириш учун курашни қизитишига озмикўпми халақит бермоқда.

Сифатсиз товарларни планнинг бажарилишида ҳисобланишини ман қилишни қоида қилиб қўйиш керак. Талаб қилинмайдиган маҳсулотни ишлаб чиқариш давлат интизомини қўпол равишда бузиш деб ҳисобланмоғи даркор. Бу раҳбарлар ва бутун коллективнинг масъулиятини оширади.

Шу ерда яна бир масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Анча илгари ўзлаштирилган ва эскириб қолган буюмларни тайёрлаш иқтисодий жиҳатдан корхона учун фойдали. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, илгари ўзлаштирилган, кейинчалик эскириб қолган буюмларнинг рентабеллилик даражаси эндигина конвейерга қўйилган буюмларникига қараганда ками билан икки баравар юқори бўлади. Тайёрланаётган буюмларни доим янгилаш ва яхшилаш лозим. Уни аниқ планлаштириш ва лозим даражада самарали рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир. Тўғри, янги маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун маълум устама ҳақлар бериляпти. Лекин бу қилинган харажатни фақат қисман қоплайди, холос. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўтказилмоқда. Лекин, ҳозирги вақтда ҳамма корхоналар ҳам бу ҳуқуқдан фойдаланишяпти, деб бўлмайди. Маҳсулот таннархи юқори бўлган қолоқ корхоналар учун бу тартиб жуда қўл келмоқда. Чунки, уларда рентабеллилик даражаси унча юқори эмас ва нормативдагига нисбатан бир ярим баравар кўп бўлмаяпти. Рентабеллилик даражаси анча юқори бўлган, у нормативдагидан бир ярим баравардан зиёдроқ юксак бўлган корхоналар учун эса ҳеч қандай қўшимча стимуллар йўқ. Бундай корхоналарда маҳсулотларни сотиш бақосини тезда камайтириш ҳавфи туғилмоқда.

Шунинг учун айрим корхоналар давлат Сифат белгиси билан буюмлар ишлаб чиқарганлари учун қўшимча ҳақ ололмаяптилар. Қўшимча ҳақ олмаслик натижасида иқтисодий рағбатлантириш фондига маблағ ажратилмаяпти. Демак, корхона юксак категориядаги маҳсулот тайёрлашдан моддий манфаатдорлиги ошишининг асосий манбаидан маҳрум қилиб қўйиляпти. Биз сифатни маҳсулотни рағбатлантиришнинг амалдаги системасида ана шундай нуқсонларни қораламоқчи эмасмиз. Сифат белгиси олиш жуда мураккаб иш. Лекин шунга қарамай шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан корхоналар лозим даражада манфаатдор бўлганларда эди Сифат белгиси олган буюмлар сони янада кўпайган бўларди.

Иш ва маҳсулот сифатини такомиллаштиришга оид яна айрим масалалар ҳақида фикр юритмоқчимиз. Ишда брakка



ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН КОНКУРС

Тошкент область ижроия қомитетининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармаси, Ўзбекистон журналистлар союзи Тошкент область ташкилоти правлениеси, маданият ходимлари касаба союзлари Тошкент область комитети шаҳар ва район газеталарини бадиий жиҳатдан намунали безаги ва полиграфик ижроси учун конкурс эълон қилдилар.

Конкурс 1977 йилнинг 1 мартидан 1 октябригача давом этади.

Конкурсда барча шаҳар ва район газеталари редакциялари ва босмахона коллективлари иштирок этишлари мумкин. Улар 1977 йил 1 мартдан 1 октябргача чиққан газеталарнинг 5 та сонини танлаб конкурсга тақдим этадилар. Газета сонлари «Конкурсга» деган белги онлан Тошкент область нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармасига (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30) юборилади. Газета сифати кўздан кечирилаётганда у босилган босмахонанинг полиграфик базаси ҳисобга олинади.

Газеталарнинг безалиши ва полиграфик ижросига қараб 3 та мукофот таъсис этилди. Ғолибларга 100 сўмлик 2 та биринчи, 75 сўмлик 2 та иккинчи ва 50 сўмлик 3 та учинчи мукофот тақдим этилади.

Конкурсга тақдим этилган газеталарнинг сонлари 1977 йил 5 октябрдан кечикмай юборилиши керак.

Конкурс юзасидан консультацияни область нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармасида олиш мумкин.

Фавзия Хайруллина номини Тошкентдаги асбобсозлик заводида катта-кичик ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Ўн беш йилдан буён шу корхонанинг 13-цехида ишлаб келаётган бу тажрибали слесарь-пардозловчи ўзининг унумли меҳнати билан шундай обрў орттирган. У ҳозир нормани 150 процент атрофида бажаряпти. Ушбу суратда илғор Ф. Хайруллина иш устида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ҲУҚУҚ ПРОПАГАНДАСИ КУЧАЯДИ

СОВЕТ кишилари ўртасида ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ва меҳнатга коммунистик муносабат туйғуларини шакллантиришда ҳуқуқ пропагандаси муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун бу соҳада кейинги пайтларда кўплаб ишлар амалга оширилаяпти. Ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашда ва прогулчилик, ичкиликбозликка қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг, ўртоқлик судлари ва халқ дружиначиларининг партия ҳамда совет органлари раҳбарлигидаги фаолияти яхши самаралар бермоқда.

Ўзбекистон ССР юстиция министрлиги ҳузуридаги ҳуқуқ пропагандаси бўйича координация-методик Советининг навбатдаги йиғилишида бу алоҳида қайд этилди. Йиғилишда Совет аъзолари — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг тедевидение ва радио эшиттириш бўйича Давлат комитети раисининг ўринбосари У. Б. Бурҳонов ва «Мухбир» — «Корреспондент» журнали редактори Н. Д. Уваровларнинг шу ҳақдаги ахборотлари тинглаб, муҳокама этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кўрсатмаларини бажара бориб, матбуот, радио, телевидение ходимлари бу борада катта тажриба орттирдилар. Ҳуқуқ темасига оид материаллар сифат ва мазмун жиҳатидан сезиларли равишда бойиди. Маъмурий ва суд органларининг ходимлари, ҳуқуқшунос олимлардан иборат кенг авторлар коллективи бу ишга жалб этилаяпти.

Штатсиз юридик бўлимлар ва ҳуқуқ масалалари билан шуғулланувчи Совет-лар актив иш кўраётирлар. Уларнинг фаолияти асосан меҳнаткашларда коммунистик аҳлоқ ва одоб, ижтимоий ва давлат олдида бурч ва масъулият ҳиссини тарбиялашга йўналтирилган.

Координация-методик Совет йиғилишида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, ҳуқуқ пропагандасини янада кучайтириш, унинг тематикасини кенгайтириш ва бойитиш, айниқса ёшлар билан ишлашни яхшилаш учун зарур чоралар белгиланди.

Намунали меҳнат коллективларининг бу соҳадаги иш тажрибасини кенг ёйиш, мутахассислар, ўртоқлик судлари ва халқ дружинаси аъзоларининг минбарларини ташкил қилиш ҳуқуқ пропагандасида муҳим восита эканлиги Совет йиғилишида алоҳида уқтириб ўтилди.

Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати рационализаторлари квант ва ультратовуш қурилмаларидан поток линиясини яратдилар. Бу линия участкасида қийин эрийдиган материаллардан сим тайёрлашда фойдаланиладиган олмосларга ишлов бериш учун лазер нури ишлатилади. Бу усулни қўлланиш ишлаб чиқариш жараёнини тахминан йигирма баравар тезлаштирди. Суратда: поток линияси. Олдинда оператор Раиса Шамаева.

Т. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРДА ҚИШКИ-КЎКЛАМГИ ИШЛАР

Қишнинг айни қирчиллама пайтлари ортда қолган, ҳаво бироз илиб, кўклам нафаси сезила бошлаган бўлса-да, дов-дарахтлар ҳали қиш уйқусида. Аммо, боғбонлар ҳозирги хотиржам кунларда ҳам сергак туриб, боғ ва узумзорларда парваришагротехникасини сифатли давом эттиришлари зарур.

Шу кеча-кундузда қилинадиган энг муҳим ишлардан бири ёш ва янги ҳосилга кирган мева дарахтларига тўғри шакл бериб, уларни тўғри буташдир. Дарахтлар ёшлигиданоқ сифатли буталиб, тўғри шакл берилмаса, вақт ўтиши билан шох-шаббалари ҳаддан ташқари қалинлашиб кетади. Новдалар йўғонлашмай, узун ва нимжон бўлиб ўсади, дарахт орасига қуёш нури текис тушмайди ва асосий ҳосил дарахтнинг тепа қисмида бўлади. Бундан ташқари, шох-шаббалар қалин бўлганлиги сабабли боғлар қатор орасига трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг кириши қийин бўлади.

Дарахтлардаги ортиқча новда ва шохчаларни олиб ташлашни кунлар бироз исиши билан, буташ ва шакл беришни эса, куртакларнинг бўртишига қадар ўтказиш тавсия этилади. Дастлаб катта ёшдаги мевали дарахтларни, сўнгра эса ёш ниҳолларни буташ мақсадга мувофиқдир. Масалан, куз фаслида экилган уруғлик мева кўчатларига шакл беришни кўкламда, кўкламда экилган кўчатларга эса ўтказиб бўлиниши билан кетма-кет шакл бериш ёш дарахтларнинг тез ва дуркун ривожланишини таъминлайди. Ўз вақтида буталмаган дарахтлар эса тўлиқ ҳосилга кирганда ўсишдан кескин тўхтайди, мевалари майдалашади ва кўп қисми пишиб етилмасдан тўкилиб кетади. Масалан, шафтоли тез ўсадиган ва тез ҳосилга кирадиган дарахт. Агар ҳосилга кирган шафтоли дарахти бир йил буталмай қолдирилса, дарахтнинг ўрта ва пастки қисмларида ҳосил камайиб кетади. Юқори қисмидаги ҳосил эса йирик-йирик бўлиб, буталмаганлиги натижасида узун ва нимжон бўлиб ўсган шохлар уни кўтаролмай синиб кетади. Шунинг учун шафтолининг ортиқча шохларини ҳар йили олиб ташлаш, бир йиллик новдаларни эса баҳор фаслида қисқартириб туриш лозим.

Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан олиб борилган кўп йиллик илмий изланишлар натижасида шу нарса аниқландики, ҳосилга кирган уруғли мева дарахтларини ҳар йили ёки камида икки йилда бир марта қишлатиш, яъни дарахтлар уйғонмасдан илгари тўлиқ буташ, ортиқча шохларини сийраклаштириш ҳамда узун новдаларни 50—60 процент қисқартириб туриш жуда фойдалидир. Шундай қилинган дарахтларнинг шох-шаббаларидаги бир йиллик новдаларнинг ўсиши нормал бўлиб, улар мунтазам яшариб туради ва ҳосилдорлиги ҳам яхшиланади.

Боғ ва узумзорларда ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омилларидан яна бири қиш фаслида яхоб суви бериб, ерни намга қондиришдир. Бу агротехник тадбирларни ер ости сувй икки-уч метрдан пастроқ жойлашган ерларда ўтказиш, айниқса, яхши самаралар беради. Қиш вақтида берилган яхоб суви боғ ва токзор қатор оралари чуқур қилиб ҳайдалганда ернинг пастки қаватларига яхши сизиб тушади ва бирикки метр чуқурликда нам етарли миқдорда тўпланади. Натижада куз фаслида ери шудгор қилиш олдидан солинган маҳаллий ва минерал ўғитларнинг бир қисми яхши эриб, ток ва мева дарахтларининг асосий илдиз системаси орқали улар танасига тез ўтади. Баҳорда эса кунлар исиши билан амалга кира бошлаган дарахт ерда тўпланган озиқа моддаларидан ва намдан яхши фойдаланади, куртакларнинг бўртиши, ёппасига гулга киришни тезлашади ва кўп ҳосил тугади.

Қишда яхоб суви беришнинг яна бир афзаллиги шундаки, боғ ва токзорлардаги зараркунандаларнинг тухумлари кўплаб қирилиб кетади. Тупроқ қатламларидаги зарарли хлор, сульфат каби тузлар ювилиб, дарахт илдизлари етиб бормайдиган чуқурликка сингиб кетади. Шўрни тўлиқ ювиб бўлгандан сўнг боғ ва токзор қатор ораларига маҳаллий ва минерал ўғитлар солишни ҳам унутмаслик зарур.

Областнинг тоғли районларидаги шартли суғориладиган ерларда барпо қилинган токзор ва мевазорларда ҳам қишки яхоб сувини бериб, ер қатламларини намга тўйдириш мўл ҳосил олишнинг муҳим агротехник тадбирларидан биридир. Енгил тупроқли ерларда эса яхоб суви беришни март ойигача яна бир марта такрорлаш тавсия этилади.

Мева дарахтларини буташда ва уларга шакл беришда илдиз бўғизидан ва дарахт атрофидан ўсиб чиққан бачки новдаларни чўғиртак қилдирмай олиб ташлаш керак. Боғларда ҳосилдан қолган, қуриган ва кераксиз деб топилган дарахтларни айни қиш пайтида кундаков қилиб олиб ташлаш янада фойдали бўлади. Улар ўрнига худди шу боғда ўсаётган мева турлари ва навларидан олиб, экилади. Совуққа чидамсиз ҳисобланган гилос, шафтоли каби мева кўчатлари эса олдиндан қазиб қўйилган чуқурларга экилади. Бунинг учун ҳар бир чуқурга 4—5 килограммдан чириган маҳаллий ўғитга, 400—500 грамм суперфосфатни аралаштириб солинади.

Агротехник тадбирлар комплексини қулай муддатларда сифатли амалга ошираётган хўжаликлар ҳар йили боғ ва узумзорларда мўл ҳосил етиштиришга эришмоқдалар. Бу соҳада, айниқса, Қуйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» совхози боғбонларининг тажрибаси ибратлидир.

Мевачилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган бу хўжаликда кўп йиллардан бери узумзорнинг ҳар гектаридан 150—200 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил олиб келинмоқда. Бир центнер узум етиштириш учун 1,5—3 ишчи куни сарфланиб, бир центнер узумнинг таннархи 10 сўмга тўғри келмоқда.

Хўжаликда токзорлар йирик-йирик қилиб, механизациядан тўлиқ фойдаланишга мўлжаллаб барпо этилган. Узум навлари илмий ишлаб чиқилган схемалар асосида экилган. Токзорларда кўчат хатосини 1—2 йил ичидаёқ тўлдириш чоралари кўрилади. Айрим катта ёшдаги токзорларда кўчат хатоси кузда токларни қирқиш пайтида, яхши пишиб етилган узум новдаларини пархеш қилиш йўли билан тўлдирилади. Бир сўз билан айтганда, совхоз ишчилари ва мутахассислари боғ ва токзорларда кўчат қаторларининг бехато бўлиши учун тинимсиз кураш олиб борилади ва шу йўл билан суғориладиган ерларнинг ҳар бир квадрат метридан тўла унум билан фойдаланишга эришилмоқда.

Пойтахт областида бундай илғор хўжаликлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Область бўйича олинаётган умумий ҳосил миқдорини янада ошириш учун ана шундай илғор хўжаликлар тажрибасини барча хўжаликларга кенг ёйиш боғбон ва сохибкорларнинг муҳим вазифасидир.

М. СОБИРОВ,
академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти агротехника бўлимининг бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

АҲИЛ КОЛЛЕКТИВ

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ўзининг ажойиб меҳнат анъаналари, юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан кўпчилигининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган кўплаб коллективлар бор. Шундай коллективлардан бири Евгений Скопинцев бошлиқ йигирувчи слесарлар группасидир. Мазкур группа корхона бўйича уч йилдан бери социалистик мусобақада ғалаба қилиб келмоқда. Коллектив тайёрлайдиган юздан зиёд детал завод сифат белгисини олишга сазовор бўлган.

Группа аҳиллиги, ажойиб меҳнат анъаналарига содиқлиги, кўп миллий состави билан ҳам ажралиб туради. Бу ерда рус, ўзбек, қозоқ, украин, осетин, татар ва бошқа миллат вакиллари елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар. Слесарлар И. Плишкин, В. Захарченко, пайвандчи М. Нировлар номини группада, қолаверса корхонада ҳурмат билан тилга оладилар. Бу ветеранлар завод ташкил топа бошлаган дастлабки кунларданоқ шу ерда ишлаб келишяпти. Улар севимли касбларига меҳр қўйиб, кўплаб шогирдлар тайёрладилар. Кекса ишчилар ҳамон зарбдор меҳнат қилиб, нормани ошириб бажаришда кўпчиликка намуна бўлишяпти. Масалан, Плишкин, Захарченко ва Ниров социалистик мусобақада голиб чиқиб, тўққизинчи беш йиллик зарбдори нишонини олишга сазовор бўлдилар. И. Плишкин, М. Ниров ҳамда уларнинг собиқ шогирдлари, айни пайтда биринчи разрядли слесарь В. Кузин деталларни шахсий тамга билан ишлаб чиқаришяпти.

Е. Скопинцев бошлиқ группа коммунистик меҳнат коллективи деган номни шараф билан оқлаб келмоқда. Коллективга Қизил вимпел доимий сақлаш учун топширилган. Бу муваффақиятларда ёш ишчилар Нормамат Қулматов, Рашид Бикулов, Виктор Лелеков, Илҳом Жалиловларнинг ҳам ҳиссаси катта. Группа сафида Рим Мурзагильдин бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси самарали меҳнат қилиб келмоқда. Унинг аъзоларига доим мураккаб ва масъулиятли вазифалар топширилади. Ҳар бир топшириққа ижодий ёндошиш эса ишлаб чиқариш масалаларини оқилона ҳал қилиш имконини бермоқда. Масалан, группа комсомолларининг таклифига биноан ишчиларнинг асосий қисми меҳнат қиладиган участкада пайвандлаш аппаратлари, арралаш, эговлаш қурилмалари ва бошқа станоклар ўрнатилди. Бу эса меҳнат шароитини яхшилаб, унумдорликни оширди.

— Коллективимиз аъзолари,— дейди Е. Скопинцев,—КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорига амалий жавоб бериб, беш йилликнинг иккинчи йилида юксак марраларни белгиладилар. Айни пайтда ҳар бир бригада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини меҳнат ғалабалари билан нишонлаш иштиёқида мусобақа байроғини тобора баланд кўтаряпти.

А. КАШАПОВ,
бирлашма ходими.



ТЕМАТИК КИНОФЕСТИВАЛЬ

ОБЛАСТЬ кино бошқармаси ходимлари шу кунларда бир қатор темаларда кино фестивалларини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланадиган бу фестивалларнинг давомида совет халқи эришган улкан муваффақиятлар кино тили билан ҳикоя қилиб берилади.

Биринчи тематик фестивал революция ва граждан-лар уруши йиллари воқеаларига бағишланади. Унда ғалаба ҳақида, революция ва Ленин ҳақида, революция ва-вандозлари тўғрисида боради. Яна бир кино фестиваль қардош республикаларнинг бузилмас дўстлигига бағишланади. Қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа соҳаларда эришилган муваффақиятлар шу фестивал давомида ҳужжатли ва бадиий фильмларда баён қилинади. Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тинч қурилиш йилларн тўғрисида ҳикоя қилувчи фильмлар ҳам фестивал кунлари томошабинларга кўйиб берилади.

Ҳозир барча районларда бўлажак кино фестивалларни ўтказишга тайёргарлик бораяпти. Байрам шарафига чиночилар ўртасида қизғин мусобақа ҳам йўлга қўйилган. Оққўрғон район кино дирекцияси кино механиги С. Алимов мусобақада барчага ўрнак бўляпти. У яқинда СССР кинофикацияси аълочиси деган шарафли номга сазовор бўлди. Бўстонлиқ кино томошабинлари эса Л. Горячих, У. Режабоев, Ғ. Назимов каби кино механикларга номини ҳурмат билан тилга олишади. Улар барчага манзур бўлган фильмларни томошабинларга кўпроқ тақдим этмоқдалар.





ЯНГИ АНЪАНАЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ!

БАРАКАЛИ МЕҲНАТ НАШИДАСИ

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНИЗМ» КОЛХОЗИ ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ САНЪАТКОРЛАР БИЛАН ИЖОДИЙ УЧРАШУВИ

Бугунги деҳқоннинг меҳнати, турмуш тарзини кўриб ҳавасингиз келади. Дил-дилдан қувонасиз. Янги услубда қурилган замонавий уйлар, асфальт равон кўчалар, маданий-маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган турли объектлар. Ҳамма-ҳаммаси ҳалол ва фидокорона меҳнатнинг меваси, партия ва ҳукуматимизнинг деҳқонлар тўғрисида қилаётган отаоналарча ғамхўрлигининг натижаси, колхоз тузумининг тантанасидир.

Шунинг учун ҳам қайси бир қишлоқ аҳли билан суҳбатлашманг, колхоз бўлдик, бахт топдик, деб барала айтишади. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози дала миришкорларининг бугунги ҳаёти чиндан ҳам нашъали, ибратлидир. Колхоз миришкорлари ҳар йили қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса пахтадан мўл-кўл ҳосил етиштирмоқдалар, чорва маҳсулотларини кўпайтирмоқдалар. Деҳқончиликдан олинаётган мўмай даромаднинг бир қисми колхозчиларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга сарфланаяпти. Қарс иккн қўлдан. Деҳқонлар бу ғамхўрликка жавобан бугун нечатидан, эртага эса бугунгидан баракали меҳнат қилиб, йил сайин улкан хирмонларни бунёд этмоқдалар. Ўтган йили 1200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиб олинди. Бу ҳосилнинг 70 процентдан ортиғи машиналарда терилди. Кейинги йилларда хўжаликда ажойиб пахта усталари етишиб чиқди. Зиявой Ризаев, Омонқул Айтқулов, Тўра Йўнисбеков сингари ўртоқлар бош бўлган бригадаларда ҳосилдорлик 46—50 центнерга етди. Чорвачилик ҳам юксалиб бораяпти. Ҳар бош соғин сигирдан 3850 литрдан сут соғиб топширилди. Боғдорчилик, полизчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам янги марралар эгалланди.

Бу меҳнатлар эвазига колхоз бўйича тўрт миллион сўм даромад олинди. Ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик маоши 180—200 сўмданга тўғри келди. Ҳозирги кунда колхозда 834 хонадон истиқомат қилмоқда. Ҳамма қулайликлар мавжуд. Радио, телевизор, водопровод, табиий газ, телефон деҳқонлар хизматида. Яқин йилларда 88 гектар майдонни эгаллаган эксперименталь-намуна посёлкаси қурилиши ниҳоясига етказилади. Ҳозиргача эса юзга яқин хонадон бу посёлкадаги янги уйларга кўчиб ўтди. Бу ерда 90 ўринли болалар боғчаси, ҳаммом, кир ювиш хонаси ишлаб турибди.

Бир сўз билан айтганда, меҳнат деҳқон аҳлини ҳам улуғлаяпти, янги улкан ишларга чорлаяпти. КПСС Марказий Комитетининг мактуби, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини барча деҳқонлар қатори бу колхоз аъзолари ҳам зўр кўтаринки руҳ билан қутиб олдилар. Улар ўтган йил натижаларини сарҳисоб қилиб, янги улкан ишга бел боғлаш, кўклам экиш кампаниясини бошлаб юборишдан олдин ҳар йилги анъанага кўра Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилиш, санъаткорлар билан учрашишга жазм қилдилар. Бу янги ва ажойиб анъана эди.

Шундай қилиб, ўтган сешанба куни колхознинг мингга яқин меҳнат аҳли В. И. Ленин музейи залларини, Ленин номли майдонни гавжум қилдилар. Улар орасида уста пахтакорлар, сут соғувчилар, пиллакорлар, хуллас хўжаликнинг энг нешқадам кишилари бор.

Деҳқонлар В. И. Ленин музейи залларини айланғач, Ленин номли майдондаги номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

Шундан сўнг Зарафшон ресторанида катта зиёфат берилди. Зиёфатга меҳмонлар ҳам таклиф этилган эди. Дала меҳнаткашлари гурунги, дўстлар, ҳамкасблар суҳбати жуда самимий, хушчақчақ ўтди. Улар ўтган йил қилинган ишларга якун ясадилар. Ўзаро тажриба алмашдилар.

Колхоз раиси Абдуолим Исоқов илғор бригада бошлиқлари, сут соғувчиларни бир-бирма-бир микрофонга таклиф этди. Эллиқцентнерчи пахтакорлар, миришкор чорвадорлар сўзга чиқиб, ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Навбат меҳмонларга келди.

— Бизнинг Жиззах районидаги Навоий номли колхоз,— деди раис ўринбосари Н. Муродов, — сизнинг хўжалигингиз билан етти йилдан буён мусобақалашиб келмоқда. Мусобақа ҳар икки хўжаликнинг умумий юксалишида катта омил бўлаётир.

— Сизнинг ютуғингиз, бизнинг ютуғимиз, сизнинг қувончингиз бизнинг қувончимиз,— деди нотиқ.— Шу туфайли янги йил мусобақаси шартларини белгилаб олишдан олдин бир-биримизга ҳисоб берайлик. Ўтган йили Навоий номли колхоз аъзолари ҳар гектар ердан 42,7 центнердан ҳосил етиштирдилар. Қабул пунктларига ҳаммаси бўлиб 9210 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Чорвадорларимиз ҳам баракали меҳнат қилдилар. Давлатга 680 тонна серқаймоқ сут, 176 тонна гўшт сотилди. Бу планда белгиланганидан ҳам, мажбуриятда кўзда тутилганидан ҳам анча кўп. Меҳнатга яраша даромад ҳам мўл бўлди.

Колхозда илғорлар сафи кенгайиб бормоқда. Ана шулардан бири Ортиқбой Раҳматов. У бошлиқ бригада ҳар йили ўрта ҳисобда 57,5 центнердан ҳосил олмоқда. Ўтган йили эса 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 65 центнердан хирмон кўтарди. Жами ҳосилнинг 80 процентн машиналарда йиғиштириб олинди.

— Қани тажрибаларингизни гапириб беринг-чи,— деди колхоз раиси Ортиқбой Раҳматовга микрофон тутар экан.

— Ҳамма тажрибани сиздан ўргандим,— деди Ортиқбой ҳаяжонланиб сўз бошлар экан,—ерни экишга тайёрлаш, уруғликни танлаш, саралаб экиш, ғўзани механизмлар ёрдамида культивация қилиш, зараркунандаларга қарши курашни ташкил этиш тўғрисидаги сизларнинг маслаҳатларингизни бекаму-кўст амалга оширяпман. Мана, кўриб турибсизлар. Натижа ёмон бўлгани йўқ.

— Шогирд устоздан ўзиб-да,— деди раис хурсанд бўлиб,— Баракалла, раҳмат сизга. Бу йил колхозингизга борганда сизнинг ишингизни тажрибангизни алоҳида ўрганамиз.

— Марҳамат,— дейди Ортиқбой,— энг яхши тажрибалар ҳаммамизнинг мулкимиз.

Сўнг у бу йил 300 гектар ерда ғўза ўстиришга аҳд қилганлигини, ҳар гектаридан кам деганда 67-центнердан «оқ олтин» териб олишга сўз берганлигини айтди. Унинг бу хабарини залда ўтирган ҳамкасблари қарсаклар билан қутиб олдилар. Ортиқбой Раҳматов «Ленинизм» колхозининг илғор бригада бошлиғи Омонқул Айтмуродовни мусобақага чақирди.

— Сиздек уста пахтакор учун бу ҳеч гап эмас, Ортиқбой ака,— деди Омонқул ака,— Биз ҳам куни кеча ўз бригадамиз аъзолари билан имкониятларимизни чамалаб кўрдик. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ҳар гектаридан кам деганда 60 центнердан ҳосил олишга аҳд қилдик.

Икки бригада сардори бирбирлари билан қўл олишадилар. Дала ишларининг авжи долзарб кунларида бирбирларининг ишларидан хабардор бўлиб туриш, айрим муаммолар, қийинчиликлар рўй бериб қолганда, бамаслаҳат бартараф этиш зарурлиги ҳақида келишиб олдилар.

Зиёфатдан сўнг «Ленинизм» колхозининг миришкорлари Ўзбекистон давлат филармонияси томон йўл олдилар. Бу ерда ижодий коллектив билан учрашув бўлди. Санъаткорлар колхоз меҳнаткашларига ўзларининг ижодий режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

— Яхши қўшиқ, яхши куй-музика,— деди колхоз раиси А. Исоқов— Бизга олам-олам завқ бағишлайди, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Қўшиқ ҳамроҳимиз, қўшиқ дилкашимиз, дардкашимиз. Ўз навбатида биз деҳқонлар ҳам пахта далаларида фидокорона меҳнат қилиб, коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қиламиз. Бу йил ҳар гектардан кам деганда 45 центнердан хирмон кўтаришга, соғин сигирларинг маҳсулдорлигини 4000 литрга етказишга боғ-роғларимиздан мўл-кўл мева, сабзавот ҳосили олишга сўз берамиз.

— Деҳқон меҳнати,— дейди санъаткорлар номидан сўзлаган республикада хизмат кўрсатган артист, бастакор Ҳаким Ниёзов —бизлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи. Қўшиғимизнинг сеҳрини, санъатга бўлган меҳрни сизларнинг меҳнатингиздан оламиз.

Деҳқонлар билан санъаткорларнинг ижодий учрашуви ҳар икки коллективда ҳам битмас-туганмас таассурот қолдирди.

Н. РИХСИЕВ,
Р. ШЕРАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози меҳнаткашлари В. И. Ленин номли майдондаги Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишмоқда. Ўнгда эса деҳқонлар В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалида.

А. Абалян фотолари.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

КУРАШНИНГ ОЛДИНГИ САФЛАРИДА

ЛИССАБОН. (ТАСС). Португалия коммунистларининг марказий органи «Аванте» газетасининг биринчи сони бундан қирқ олти йил илгари — 1931 йилнинг 15 февралида, оғир яширин шароитда чиқарилган эди. Уша даврда фашистлар шафқатсиз репрессияларни авж олдириб юборган эдилар. Газетада Салазар қўл остидаги диктаторлик режими рухсат берган нарсаларнигина босиб чиқарар эдилар, ҳаққоний гапни айтган кишиларни азоблар, турмаларга ташлар ва ўлдирар эдилар. Фашист охранкаси аввал бошиданоқ «Аванте» газетасининг ноширлари ва тарқатувчиларини қаттиқ таъқиб эта бошлади. Бу газетада ишлаган фидокор кишиларнинг кўпи қамоққа олиниб, турмаларга ташланди. Салазар зиндонларида азоблаб ўлдирилди, кўплари ватандан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Аммо «Аванте» газетаси буларнинг ҳаммасини назар-писанд қилмай, ҳақиқатни Португалия халқи орасига ёяверди.

Мамлакатда конституцион демократия ўрнатилган ҳозирги шароитда Португалия коммунистларининг газетаси оғир ва масъулиятли вазифаларни бажармоқда. Газета Португалия Коммунистик партиясининг сиёсатини тушунтириб бермоқда ва пропаганда қилмоқда, реакциянинг найрангларини ва иғвогар ўта сўл гуруҳларнинг бузғунчилик ишларини фош қилиб ташламоқда, меҳнаткашларнинг манфаатларини изчиллик ва зўр қатъият билан ҳимоя қилмоқда.

«Аванте» газетаси Португалия ишчилар синфининг, мамлакатдаги меҳнаткашлар оммасининг, демократик ва антифашист кучларнинг ишончи ва муҳаббатига сазовор бўлди.

АНГОЛА ХАЛҚИНИНГ ҚАТЪИЙ ИШОНЧИ

ЛУАНДА, 15 февраль. (ТАСС мухбири). Таниқли жамоат арбоби Луис Нето ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Ангола Халқ Республикаси ҳукумати янги Ангола душманларининг Ангола халқи тинч меҳнатига халақит беришга интилаётганлигини исбот этадиган ва рад қилиб бўлмайдиган фактларга эгадир.

Реакция кучлари, деди у, Анголада эски тартибларни қайтадан тиклаш планларидан воз кечган эмас. Улар шу мақсадда мамлакатнинг шимолий қисмида қўғирчоқ Флек гуруҳи шайқаларини республикага қарши иғвогарлик қуруғлари қилишга ундамоқдалар. Жанубий Африка Республикасининг ирқчилари мамлакатнинг жанубида ФНЛА ва унитага мансуб бўлган ҳамда Ангола халқига хиёнат қилган сотқинларга ҳомийлик қилиб, янги интераенция планларини тузмоқдалар. Ҳали тамомила янчиб ташланмаган ана шу гуруҳларнинг диверсант шайқалари республика территориясига суқилиб кирмоқдалар. Саботаж қуруғларини уюштириб, тинч аҳолини террор қилмоқдалар.

Л. Нето Ангола халқи империализм ва унинг малайлари кирдикорларига қатъий зарба беради, деб ишонч билдирди. Социалистик мамлакатларнинг қудратли ҳамдўстлиги, деди у, миллий мустақиллик ва суверенитетни мустаҳкамлаш учун курашда бизни қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг халқимиз, деб таъкидлади Л. Нето, бундан буён ҳам ўзининг содиқ ва изчил дўстлари — Совет Иттифоқи, Куба билан, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатлар билан, жаҳондаги барча тинчликсевар кучлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириб, мустаҳкамлайверади.

Н. СЕМЕНОВ.

ҲИНДИСТОННИНГ ТИНЧ АТОМИ

ДЕҲЛИ, 15 февраль. (ТАСС). Ҳозир Ҳиндистон мамлакатнинг иқтисодий ривожи манфаатлари йўлида атом энергиясидан кенг фойдаланмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатда Махараштра штатининг Тарапура ва Раажастон штатининг Рана—Пратап—Сагара деган жойларида иккита атом электр станцияси ишлаб турибди. Тамилнаду штатининг Калпаккам шаҳрида ва Уттар-Прадеш штатининг Нарор шаҳри яқинида ядро энергиясидан фойдаланадиган электр станциялар қуриб битказилмоқда.

Тромбейдаги Х. Баба номли тадқиқот маркази атом имкониятларини илмий жиҳатдан ўрганишга катта ҳисса қўшмоқда. Унинг территориясида бир неча экспериментал реактор, элементар зарралар тезлаткичлари, кўпдан-кўп лабораториялар жойлашган.

Марказ ходимлари радиактив изотоплар ва нишонли атомларнинг 350 дан ортиқ турини ҳосил қилмоқдалар, уларни ҳинд мутахассислари саноатда, қишлоқ хўжалигида ва медицинада ишлатмоқдалар.



ЯПОНИЯДА меҳнаткашларнинг баҳорги намойишлари бошланди. Касаба союзлари аҳолининг барча меҳнатнаш қатламларини монополиялар зулмига қарши курашга чақирмоқдалар.

Суратларда: (юқорида) пойтахтдаги Хибия парнида ўтказилган митинг; (пастда) Хибия парнида қурилган палаткалардан бири. Бу ерда касаба союзларининг кўчма штаби жойлашган.

Н. Геронин фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ШРИ ЛАНКА: ПАРЛАМЕНТ ИШИДА ТАНАФФУС

КОЛОМБО, 15 февраль. (ТАСС). Шри Ланка Республикаси президентининг фармойишига мувофиқ, давлат миллий ассамблеяси ишида 19 майгача танаффус эълон қилинди. Шри Ланка ҳукуматининг бошлиғи Сиримаво Бандараиаике министрлар кабинетининг мажлисида шуни маълум қилди.

С. Бандараиаике ўзи, бошчилик қилаётган Шри Ланка озодлик партияси ишчи комитетининг аъзолари ҳузурида (Коломбода) нутқ сўзлаб, бу қарор «воқеаларнинг беҳуда фожиали тус олиши»га йўл қўймаслик учун қабул қилинди, деб таъкидлади.

Оппозициянинг ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳақидаги таклифи юзасидан мунозаралар 17 февралга белгиланган эди. Парламентнинг ишида танаффус эълон қилинганлиги сабабли бу мунозаралар ўтказилмайди.

Шри Ланка Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўз баёнотида бу қарор бирлашган фронтнинг ҳукумат коалициясига кирган Коммунистик партияни хабардор қилмай туриб қабул қилинди, деб уқтириб ўтди.

Спорт

ФУТБОЛ

ЯНА ҒАЛАБА

«Пахтакор» футболчилари Ҳиндистонда ўзларининг учинчи учрашувларида яна ғалабага эришдилар. Биринчи ва иккинчи ўйинларда устун келган тошкентлик футболчилар учинчи халқаро ўйинда мамлакат футбол ассоциацияси терма коллективи билан куч синашди. Пахтакорчилар 1:0 ҳисобида устун келишди. Тўпни Олег Еремеев киритди.

МУЗ УСТИДА РАҚС

«ВЕЧЕРНЯЯ ОДЕССА» ГАЗЕТАСИ СОВРИНИ ТОШКЕНТЛИК СПОРТЧИЛАРДА

Муз устида рақс спорти республикамизда эндигина ривожланиб келаётган спорт турларидан биридир. Лекин қисқа вақтда спортчиларимиз бир қатор мусобақаларда қштирок этиб, тажриба орттириш билан бирга мукофотли ўринларни ҳам эгаллашди. Куни кеча Одесса шаҳрида «Вечерняя Одесса» газетаси совриии учун фигурали учиш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Бунда мамлакатимизнинг бир қатор спортчилари қатори тошкентлик Марина Никитюк ва Ринат Кадиркаевлар ҳам қатнашишди. Жуфт бўлиб мусобақалашишда тошкентлик спортчилар ҳаммадан кўп бал тўплаб, биринчи ўринни олишди ва газета совриндори бўлишди.

ХОККЕЙ

БИРИНЧИ ЎЙИН ДУРАНГ

Тошкентнинг «Бинокор» хоккейчилари ўзларининг навбатдаги учрашувларини ўз майдонларида Куйбишевнинг армия спорт клуби командаси билан ўтказдилар. Биринчи ўйин 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Командалар кеча иккинчи учрашувни ўтказишди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Ҳўрланганлар» (бадиий фильм, 3-серия). 11.15 — Концерт. 11.40 — Визнинг биография. 1931 йил. 16.00—Ҳужжатли фильм. 16.25 — Ихтирочи. 16.55 —Виз табиат билан таништамиз. 17.45 — Совет қонунчилиги асослари. 17.45 — Шахмат мактаби. 18.15 — Китоб сенинг ҳаётингда. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Қувноқ ноталар. 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 20.00 — Концерт. 20.45 — Бизнес оламида. 21.15 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 Менинг Карменим (музикали фильм премьераси). 23.40 — Катталар учун мультфильм. 00.15 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Зоология. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 —Зоология. 13.00 — Қувноқ стартлар (тақрорий). 18.30 — «Ишлик». 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — Ахборот. 20.00 —Октябрь менинг тақдиримда. 20.30 — Концерт. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 22.00 — «Вақт». (Москва). 22.30 — Чорвачилик: тажриба ва проблемалар. 22.50 — Сакраш ҳунуқи (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05—Немис тили. 19.35 — Реклама. 19.50 — Аёл: меҳнаткаш, она. 20.05 — Ҳужжатли фильм. 20.20 — Янгиликлар. 20.40 — Оперетта шинавандалари учун. 21.15 — Физика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17 ҒЎ да Князь Игорь.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17 ҒЎ да Қиёмат қарз (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18 ҒЎ да Ўнғирлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17 ҒЎ да Ишқ қурбонлари (17.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — Рампа чироқлари (кундуз ва кечқуруи).

Рампа чироқлари — «МОСКВА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11.30, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «ҚОЗОГИСТОН» (тоқ соатларда), «ЧАПКА» (кундуз ва кечқуруи).

Эски милтиқ — «ДРУЖБА» (12, 13.40, 16, 17.40, 19, 21.00), «ҚОЗОГИСТОН» (жуфт соатларда).

Кенсалар учун эрмак — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИНА» (жуфт соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи).

Барҳаёт кишилар — ҲАМЗА номли. «НУКУС» (тоқ соатларда).

Қалдирғочлар баҳорда учиб келади — «КЎКЧА» (11, 13, 15, 17, 19.00).

Малиновкада тўй — «МИР» (кундуз ва кечқуруи).

Юлдуз юқорига тушади — С. РАҲИМОВ номли (11.30, 14.30, 17.30, 20.15).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 14189. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1566.